



ОПЕРАЦИОН АУДИТНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Якубов Матрасул Мавлонбердиевич,

Тошкент молия институти таянч докторанти,

E-mail: matrasul01@gmail.com,

ORCID: 0000-0001-7417-7421

ORGANIZING THE OPERATIONAL AUDIT ON THE BASIS OF THE REQUIREMENTS OF INTERNATIONAL STANDARDS

Yakubov Matrasul Mavlonberdiyevich,

PhD student of the Tashkent Institute of Finance

Email: matrasul01@gmail.com, ORCID: 0000-0001-7417-7421

JEL Classification: M4, M42

Аннотация. Сўнги йилларда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини тартибга солиш ва соҳани ривожлантиришида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2021 йил 25 февралда ЎРҚ-667-сон "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан аудиторлик ташкилотларига кенг қамровли аудит хизматларини кўрсатиш имкониятини яратиш берди. Мазкур Қонун билан аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолияти билан боғлиқ стандартларда, яъни аудитнинг халқаро стандартлари, таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари, ишончли таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари ва турдош хизматларнинг халқаро стандартларида назарда тутилган аудиторлик хизматларини кўрсатиш мумкинлиги белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, аудиторлик текшируви ва турдош хизматларининг таркиби кенгайишига олиб келди. Ривожланган мамлакатлар аудиторлик фаолиятида аудитнинг молиявий ҳисобот аудити, мувофиқлик аудити ва операция аудит каби хизмат турларини кўрсатиш оммалашган. Бундай турдаги аудиторлик хизматлари ишончли таъминлайдиган топшириқлар ҳисобланади ва хизматлар кўрсатилганда тегишли стандартлар талабларига риоя қилиш тақозо этилади.

Мазкур мақолада, аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар таркибида операция аудитнинг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, операция аудитни амалга ошириш аудиторлик ташкилотлари учун алоҳида бир топшириқ эканлиги ифодаланган. Бундан ташқари, аудиторлик ташкилотлари томонидан мазкур турдаги хизматларни кўрсатишни ривожлантириш мақсадида операция аудитнинг концепциясини ишлаб чиқишига қаратилаган тадқиқотлар амалга оширилган.

Abstract. In recent years, important measures are being implemented in our country to regulate audit activities and develop the sector. In particular, adoption of the Law "On audit activities" on February 25, 2021 made it possible for audit organizations to provide comprehensive audit services. This law established that auditing organizations can provide auditing services provided for by standards related to auditing activities, namely international standards on auditing, international standards of

review engagements, international standards on assurance engagements, and international standards on related services. This, in turn, led to an expansion of the content of auditing and peer services. In the audit activities of developed countries, it is popular to provide such types of services as financial reporting audit, compliance audit and operational audit of the audit. Such types of auditing services are assignments that provide confidence, and when services are provided, it is necessary to comply with the requirements of the relevant standards.

This article highlights the importance of operational audit as part of the services provided by audit organizations. It is also stated that the implementation of operational audit is a special task for audit organizations. In addition, audit organizations conducted research aimed at developing the concept of operational audit in order to develop the provision of this type of services.

Калим сўзлар. аудит, аудиторлик ташкилоти, аудитор, молиявий ҳисобот аудити, мувофиқлик аудити, операцион аудит, концепция, иқтисодий тежамкорлик, унумдорлик ва натижадорлик.

Key words. audit, audit organization, auditor, financial statement auditing, compliance auditing, operational auditing, concept, economy, efficiency and effectiveness.


Кириш. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг узлуксиз ривожланишида ишончли ахборот муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, инвесторлар қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш тўғрисида, банклар кредитларни тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилишади, давлат солиқлар ҳисобига шаклланган даромадларидан келиб чиқиб, харажатларини бошқаришади, бироқ бундай қарорлар қабул қилинишида бошқа шахслар томонидан тайёрланган ахборотлар муҳим аҳамият касб этади. Аксарият ҳолатларда, маълумотларни етказиб берувчиларнинг мақсадлари ушбу маълумотлардан фойдаланувчиларнинг, яъни инвесторлар, кредиторлар ёки давлат органлари мақсадларига мувофиқ келмайди, оқибатда зиддиятлар юзага келади. Бунинг натижасида жамиятда мустақил, профессионал мутахассисларга, яъни аудиторлар хизматларига зарурат келиб чиққан. Айнан аудиторлик ташкилотлари, аудиторлар манфаатдор томонларга тақдим этилган маълумотларнинг асл кўриниши қандай эканлиги тўғрисида фикр билдириши мумкин. Шу сабабдан, иқтисодий ривожланиш ва барқарорликни таъминлашда аудиторлик хизматлари аҳамиятли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасида "аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувларини ўтказиш ва турдош хизматлар кўрсатиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти" [1] деб таърифланган. Демак, аудиторлик ташкилотлари фақат аудиторлик текширувларини ўтказиш ва турдош хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ аудиторлик хизматларини кўрсатади. Бироқ, аудитнинг назарияси ва амалиётида унинг турли хил туркумланиши мавжуд. Масалан, ички аудит, ташқи аудит, мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудитга таснифланиши мумкин. Бундан ташқари, иқтисодий адабиётларда аудитнинг молиявий ҳисобот аудити, мувофиқлик аудити ва операцион аудит каби шакллари ҳам мавжуд. Шулардан келиб чиққан ҳолда, ҳақли савол юзага келади, аудитнинг ушбу шакллари аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган аудит хизматлари таркибида қандай акс эттирилади? Мазкур масаланинг мунозаралигидан келиб

чиқиб, биз ушбу мақолада, асосий эътиборни аудит хизматлари таркибида операцион аудитнинг ўрни ҳақида кенгрок тўхталамиз.

Материал ва метод. Ўзбекистон Республикасида “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар аудитнинг шакллари тўғрисида бир хил маънони тақдим этмайди. Қонуннинг 31-моддаси аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувлари ва турдош хизматлар каби аудиторлик хизматларини кўрсатиши ҳамда мазкур хизматларни буюртмачи билан тузилган шартномага асосан амалга ошириши белгиланган. Шунингдек, Қонуннинг 32-моддаси аудиторлик текшируви текшириладиган молиявий ҳисоботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилиши келтирилган. Таъкидлаш мумкинки, бундай текширув молиявий ҳисобот аудити мазмун-моҳиятини ифодалайди, лекин аудиторлик текширувларининг бошқа шакллари, яъни операцион аудит ва мувофиқлик аудитининг моҳиятини тўлиқ ёритиб бермайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан аудиторлик ташкилотларининг турдош хизматлари таркиби ҳам белгилаб берилган, уларнинг таркибини 1-расмда кўриш мумкин.



1-расм. Аудиторлик ташкилотларнинг турдош хизматлари¹


Аудиторлик ташкилотлари томонидан 1-расмда келтирилган турдош хизматлари рўйхатини аудиторлик фаолияти стандартларида назарда тутилган бошқа турдош хизматлар билан ҳам тўлдириш мумкинлиги Қонунда белгилаб қўйилган.

Аудиторлик текширувининг моҳияти ва турдош хизматларнинг таркибига эътибор қилган ҳолда, шундай масала кўтарилди, яъни операцион аудит аудиторлик текширувининг бир кўринишими ёки турдош хизматми деган савол туғилади. Масалага

¹ Муаллиф ишланмаси

чуқурроқ ёндашиш мақсадида аудиторлик фаолиятининг стандартлари таркибини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, аудиторлик хизматларининг таркибий қисми аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик билан кенгайтириши мумкин. Қонуннинг 9-

моддасида аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари қайси турдаги стандартлар асосида амалга оширилиши белгиланган. Аудиторлик фаолияти стандартларининг таркибий тузилиши 2-расмда келтирилган.



2-расм. Аудиторлик хизматларини кўрсатишда қўлланиладиган стандартлар²

Халқаро амалиётда, аудиторлик текшируви ишончни таъминловчи топшириқларнинг бир тури ҳисобланади. Агар аудиторлик текшируви ташкилотларнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлашга қаратилган бўлса, ишончни таъминловчи топшириқлар таркибига нафақат молиявий маълумотларни текшириш, балки номолиявий маълумотларнинг ишончлилигини баҳолаш ҳам қиради. Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан ишочни таъминловчи топшириқларнинг халқаро концепцияси ишлаб чиқилган. Айнан, ушбу концепцияга асосан қайси турдаги

стандартлар ишончни таъминловчи топшириқларни амалга оширилиши тартибга солиши белгиланган.

Ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро концепциясига мувофиқ турдош хизматларнинг халқаро стандартларидан ташқари барча стандартлар умумий номланганда ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг стандартлари ҳисобланади. Яъни, аудитнинг халқаро стандартлари, таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари асосида кўрсатиладиган хизматлар аудиторлик ташкилотлари учун ишончни

² Муаллиф ишланмаси

таъминлайдиган топшириқлар ҳисобланади. Халқаро амалиётда ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг энг кенг тарқалган турларига молиявий ҳисобот аудити, мувофиқлик аудити, операцион аудит, комплекс аудит ва ички аудит киради. Албатта, аудиторлик ташкилотлари кўрсатаётган хизматларнинг сифатлилигини ҳамда ташкилотга нисбатан мустақиллигини таъминлаш мақсадида сифат назоратининг халқаро стандартлари ва профессионал бухгалтерларнинг ахлоқ кодекси талабларига риоя қилишлари шарт ҳисобланади.

Ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро концепциясига кўра “ишончни таъминлайдиган топшириқ - бу топшириқ, бунинг доирасида амалиётчи мутахассиснинг мақсади ўрнатилган мезонлардан фойдаланган ҳолда баҳоланаётган топшириқ предметини баҳолаш ёки ўлчаш натижасида асосий фойдаланувчиларнинг ишонч даражасини оширишга хизмат қиладиган фикрни шакллантириш учун етарли бўлган ишончли далилларни тўплаш”дир деб таърифланган [2]. Баҳоланаётган ёки ўлчанаётган топшириқ предметининг натижаси бўлиб, баҳоланаётган топшириқ предметига нисбатан қўлланилган мезонлар асосида олинган маълумотлар ҳисобланади. Бундай маълумотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

молиявий ҳисобот - молиявий ҳисоботни тайёрлаш концепцияси қоидаларини қўллаган ҳолда ташкилот фаолиятнинг молиявий ҳолат, молиявий натижаси ва пул оқимларининг якуний ўлчови ҳисобланади;

ички назорат тизими самарадорлиги тўғрисидаги ҳисобот тегишли мезонлардан

фойдаланган ҳолда ташкилотнинг ички назорат жараёни самарадорлигини баҳолашнинг якуни ҳисобланади;

маълум бир ташкилот фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичи тегишли услубларни қўллаган ҳолда фаолият натижаларининг турли жиҳатларини баҳолаш якуни ҳисобланади;

талаблар (қоидалар)га риоя этиш тўғрисидаги ҳисобот ташкилотнинг норматив - ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилишининг баҳолашнинг якуни ҳисобланади.

Агар, юқорида келтирилган ишончни таъминловчи топшириқларни амалга оширишдан олинандиган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, унда акс эттириладиган ахборотлар баҳоланаётган топшириқ предмети, текширишда қўлланиладиган мезонлар ва натижа каби кетма-кетликда бўлади. Масалан, баҳоланаётган предмет ташкилот фаолиятнинг молиявий ҳолат, молиявий натижаси ва пул оқимлари бўлса, молиявий ҳисобот натижа ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлаш қоидалари мезонлар ҳисобланади. Бундай турдаги ишончни таъминловчи топшириқ молиявий ҳисобот аудити моҳиятини ифодалайди ва аудиторлик ташкилотлари ушбу топшириқ бўйича текширувни амалга оширишда аудитнинг халқаро стандартлари қоидалари доирасида иш юритади.

Ишончни таъминловчи топшириқларни амалга оширишда баҳоланаётган топшириқ предмети хўжалик юритувчи субъектнинг ўрнатилган қоидаларга риоя этишини текшириш бўлса, норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш тўғрисидаги ҳисобот текширув натижаси ва амал қилиниши лозим бўлган



қонунчилик ва норматив ҳужжатлар мезонлар ҳисобланади. Албатта, бундай турдаги топшириқ мувофиқлик аудитининг моҳиятини ифойдалайди.

Ишончни таъминловчи топшириқларда топшириқ предмети ташкилот фаолияти ёки унинг таркибий қисми самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ текширувларни ифодаласа, бундай турдаги ишончни таъминловчи топшириқлар операцион аудитнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Чунки, операцион аудитнинг асосий мақсади ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ёки таркибий тузилмасининг иқтисодий тежамкорлиги, унумдорлиги ва натижадорлигини баҳолаш ҳисобланади.

Натижа. Амалиётда операцион аудитни аудиторлик ташкилотлари ёки ички аудиторлар амалга ошириши мумкин. Операцион аудит ички аудиторлар томонидан амалга оширилса, унинг ўзига хос хусусиятларини ички аудитни тартибга солувчи қоидалар белгилайди. Агар операцион аудит аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилса, уни амалга ошириш кетма-кетлигини ишончни таъминловчи топшириқларнинг халқаро стандартларига кўра амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки аудитнинг халқаро стандартлари ва таҳлилий текширувнинг халқаро стандартлари молиявий маълумотларни аудиторлик текширувдан ўтказиш тартибини белгилайди.

“Олдинги давр молиявий маълумотлари аудити ёки таҳлилий текширувдан ўтказишдан бошқа ишончни таъминловчи топшириқлар” деб номланган 3000-сон ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандарти аудиторлик ташкилотлари учун операцион

аудитни ўтказиш билан боғлиқ хизматларини ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштиришда йўриқнома ҳисобланади. Ушбу стандарт олдинги давр молиявий маълумотларини аудиторлик текширувидан ва таҳлилий текширувидан ўтказиш билан боғлиқ топшириқлардан бошқа топшириқларга нисбатан кўлланилади. Бундай топшириқларни бажаришда, жумладан операцион аудитни ўтказишда стандарт аудиторлик ташкилотлари ва уларнинг аудиторларга Профессинал бухгалтерларнинг ахлоқ кодекси ва Сифат назоратининг халқаро стандартлари талаблари доирасида иш юритиш мажбуриятини юклайди.

3000-сон ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари ишончни таъминловчи топшириқни бажаришда қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўяди:

топшириқ предмети тўғрисидаги маълумотлар муҳим бузиб кўрсатишларга эга эмаслиги тўғрисида асосли ёки чекланган даражадаги ишончни олиш;

баҳоланаётган топшириқ предметини миқдор ёки сифат жиҳатдан баҳолаши натижасига нисбатан ёзма хулоса шаклидаги фикрни шакллантириш, бунда чекланган ёки асосли ишонч акс эттирилган, шунинг учун фикр билдириш учун асослар ёритилган бўлади;

ушбу ёки тегишли стандартларнинг талаблари тўғрисида хабардор қилиш [2].

Юқорида таъкидланган фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунида таҳлилий текширувларнинг халқаро стандартлари ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари асосида амалга

ошириладиган текширувларни ўтказиш тартиби белгиланмаган. Бундай стандартлар доирасида амалга ошириладиган ишончни таъминлайдиган топшириқлар аудиторлик ташкилотларининг турдош хизматлари таркибида акс эттирилмаган.

Операцион аудит қонунчилик нуқтаи назаридан аудиторлик ташкилотлари учун алоҳида топшириқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу топшириқни халқаро стандартлар талаблари доирасида ва сифатли амалга ошириш учун унинг умумқабул қилинган концепциясини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мунозара. Аудитга оид қонунчиликда, хорижий ва маҳаллий адабиётларда операцион аудитнинг ягона бир моҳиятга эга бўлмаслиги, ҳозирги кунгача унинг умумқабул қилинган концепцияси мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.


Англиялик олим Дж.К.Робертсоннинг фикрича операцион аудит (натижа аудити, бошқарув аудити) – “аудиторлар томонидан корхонага ресурслардан тежамкорона ва унумли фойдаланиш, мақсадларга самарали

эришиш ва корхона режаларини рўёбга чиқариш бўйича тавсиялар бериш мақсадида унинг операцияларини ўрганишдир. Шу сабабдан, операцион аудит ёрдамида корхона юқори раҳбарияти бизнеснинг самарадорлиги ва унумдорлигини оширишга қаратилган қарорлар устидан назоратни амалга оширишини таъминлайди”[5].

АҚШлик машҳур иқтисодчи олимлар А.Аренс ва Ж.Элдер ва С.Бизлейларнинг таъкидлашича “Операцион аудит – бу хўжалик тизимининг у ёки бу қисмининг амаллари ва усулларининг унумдорлиги ва самарадорлигини баҳолаш мақсадида текширишдир” [6].

Операцион аудитнинг концепциясини ишлаб чиқишда ишончни таъминловчи топшириқларнинг халқаро концепциясидаги қоидалардан ва элементлардан фойдаланиш ўринли бўлади.

Ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро концепцияси кўра ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг элементлари белгиланган, уларнинг таркиби 3-расмда келтирилган [4].



3-расм. Ишончни таъминлайдиган топшириқ элементлари³

³ Муаллиф ишланмаси

Операцион аудитни амалга оширишда ҳам уч томонлама муносабатни белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Аудитор, операцион аудит предметига жавобгар бўлган томон ва аудит натижаларидан фойдаланадиган манфаатдор томон уч томонлама муносабатнинг иштирокчиларидир. Бунда ҳар бир томон ўзидан нима талаб қилинишини ва қандай натижа кутаётганлигини аниқлаб олиши лозим.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан операцион аудит хизматини амалга оширишда баҳоланаётган топширикни уч томонлама тушуниб олиш аудитни самарали ташкил этишга замин яратади. Операцион аудитда ташкилот фаолиятининг номолиявий натижалар ва номолиявий кўрсаткичларининг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини, шунингдек, тузилма ва жараёнларнинг унумдорлигини баҳолаш топширик предмети бўлиши мумкин.

Текширув жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида мос келадиган мезонларни белгилаб олиш лозим бўлади. Мезонларнинг ўринлилик, тўлиқлик, ишончлилик, бетарафлик ва тушунарлилик хусусиятларига эга бўлиши кўрсатиладиган хизмат натижасининг ишончлигини таъминлайди.

Аудиторлик ташкилотлари текширув жараёнида олдига қўйилган мақсадга эришишлари учун уларга етарли ва ўринли бўлган далиллар зарур бўлади. Айнан, операцион аудитни ўтказиш жараёнида тўпланган далиллар баҳоланаётган топширик тўғрисида хулоса бериш имкониятини яратади.

Мақсади фойдаланувчиларга текширув натижаларини ўзида акс эттирувчи маълумотни такдим этиш учун юқори

даражадаги ёки чекланган ишончни таъминлашга мўлжалланган тегишли шаклдаги ёзма хулоса ёки ишончни таъминловчи топширик бўйича ҳисобот бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ёзма равишда билдирилган ҳисобот аудиторлик ташкилотининг иши натижасини ифодалайди.

Юқорида келтирилган элементлар асосида операцион аудитни ўтказиш, унинг концепцияси шаклланишида ўзига хос туртки ҳисобланади. Бундан ташқари, операцион аудитнинг концепциясини ишлаб чиқишда аудиторларга қўйиладиган ахлоқий талабларни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса. Аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари таркибида операцион аудит билан боғлиқ хизматларнинг ўрнини аниқлаб олиш, шунингдек операцион аудитни ўтказишда унинг концепциясини яратишда қуйидагилар кўриб чиқилди.

1. Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ қонунчиликда аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган аудиторлик хизмати таркиби белгилаб берилган. Бунга кўра, аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви ва турдош хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ хизматларни амалга ошириши мумкин. Бироқ бунда, аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган операцион аудит хизматларини аудиторлик текшируви билан боғлиқ хизмат турими ёки турдош хизматларининг таркибий қисми эканлиги тадқиқ қилинди.

2. Операцион аудитни аудиторлик ташкилотлари учун алоҳида топширик эканлигини тасдиқлаш мақсадида аудиторлик фаолияти стандартлари



Ўрганилди. Жумладан, “Олдинги давр молиявий маълумотлари аудити ёки таҳлилий текширувдан ўтказишдан бошқа ишончни таъминловчи топшириқлар” деб номланган 3000-сон ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандарти асосида аудиторлик ташкилотлари операция аудит билан боғлиқ

топшириқларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

3. Ишончни таъминловчи топшириқларнинг халқаро концепциясидаги қоидалардан, элементлардан фойдаланган ҳолда операция аудитнинг концепциясини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2021 й. 25 феврал, ЎРҚ-677-сон, <https://lex.uz/docs/5307886>
2. Handbook of International Quality Control, Auditing, Review, Other Assurance, and Related Services Pronouncements. 2021 Edition Volume II, p. 348
3. Handbook of International Quality Control, Auditing, Review, Other Assurance, and Related Services Pronouncements. 2021 Edition Volume III, p. 348
4. Робертсон Дж. Аудит. Перев. С англ. –М.: KPMG, Аудиторская фирма «Контакт», 1993. – 496 с.
5. Alvin A. Arens, Randal J. Elder, Mark S. Beasley. Auditing and Assurance Services: an integrated approach. – 14 ed., 2012. – 850 p.